
РИШТОН - ДЕРУТА: АМАЛИЙ НАТИЖАЛАР САРИ

Маълумки, ўтган йилнинг ноябрь ойида Риштон тумани делегацияси Италиянинг Дерута шаҳрида бўлиб, ташриф давомида аҳдлашув меморандуми имзоланган эди. Унга кўра, Дерута шаҳри делегацияси Риштон туманига ташриф буюриши белгилган эди. Кеча Риштон тумани ва Италиянинг Дерута шаҳарларининг ҳокимлари ва фаоллари ўртасида онлайн учрашув ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикасининг Италиядаги элчиси Отабек Акбаров ҳамда Италия вакили сифатида Дерута шаҳар мэри Michele Toniaccini, ижтимоий-иктисодий соҳа вакиллари ва Риштон тумани ҳокими Суфхонжон Солиев, туман ҳокими ўринбосари, Инвестициялар ва ташқи савдо бўлими бошлиғи Абдуқаҳор Жўрабоев ва мутасадди раҳбарлар иштирок этишди. Тадбир кўтаринки руҳда ўтказилиб, иштирокчилар келгусида ҳам дўстлик жамиятлари фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида бундай учрашувларни тез-тез ўтказилишини белгилаб олдилар. Учрашув якунида Италиянинг Дерута шаҳри делегациясининг туманимизга ташрифи борасида ҳам келишиб олишди. Италияликларнинг туманимизга июнь ойларида келишни режалаштирилмоқда.

2022-03-04 10:54:45